

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У Қ М

2025 йил февраль ойининг 27 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи туман суди раиси Д.Дадаханова,

судья ёрдамчиси Б.Орзиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси А.Азизов, судланувчи К.Тойшиев ва унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси - “М SHARPOV HIMOYASI” адвокатлик бюроси адвокати М.Шаропов, жабрланувчи М.Халматовнинг иштирокида Тойшиев Қанат Муслим ўғлига нисбатан 1-1010-2501/65-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тойшиев Қанат Муслим ўғли (TOYSHIYEV QANAT MUSLIM O`G`LI) – 1995 йил 26 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, қозоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланган:

жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2021 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2022 йил 8 августдаги ажримига кўра ўталмаган ушбу жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2023 йил 23 февралдаги ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 5 ой 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2024 йил 16 июлдаги ажримига кўра ўталмай қолган 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган,

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсоз



даҳаси, 37-уй, 14-хонадонда яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг «м» банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Қ.Тойшиев 2021 йилда жиноий жавобгарликка тортилишида унинг кўрсатувларига асосан М.Халматов ҳам жиноий жавобгарликка тортилганлиги учун у билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик сабабли, 2024 йил 17 ноябрь куни соат 14:00 ларда Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчасида жойлашган “Диёр Нефт” АЁҚШ ёнида М.Халматов уни урмоқчи бўлиб яқинлашганида, М.Халматовнинг юзига бир маротаба мушти билан уриб, кейин йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб, М.Халматов унинг олдига ўзининг бошқарувида бўлган автомашинада келганида, ариқ ичидан бетон-тош бўлагини олиб, автомашинанинг ойнаси очиклигидан фойдаланиб, ушбу тош бўлагини М.Халматовнинг белига отиб, ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Суд мажлисида судланувчи Қ.Тойшиев айбига иқроор бўлиб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни М.Халматов билан танишлигини, 2021 йил август ойида у гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарликка тортилганлигини, терговда гиёҳванд моддасини М.Халматовдан олганлиги ҳақида кўрсатув берганлигини, шундан сўнг М.Халматов ҳам ЖКнинг 273-моддаси билан жавобгарликка тортилганлигини, 2024 йил ноябрь ойида М.Халматов уни Бектемир тумани “Сувсоз” даҳасида кўриб қолганида, уни “терпила” деб ҳақорат қилганлигини, 2024 йил 17 ноябрь куни соат 14:00 ларда “Кўйлик” бозори томондан Х.Байқаро кўчасида жойлашган “Диёр Нефт” АЁҚШ ичидан ўтиб кетаётганида, М.Халматов уни кўриб, машинасидан тушиб, у томонга келиб, унда қасди борлигини айтиб у билан уришмоқчи бўлганида, у М.Халматовнинг кўз аралаш юз қисмига бир мушт урганлигини, шунда М.Халматов ердан шиша бутилка олиб, у томонга кела бошлаганлигини, атрофда бўлган одамлар М.Халматовни тўхтатиб қолишганлигини, у Х.Байқаро кўчасининг нариги томонига ўтиб, йўлнинг четида турганида, М.Халматов машинасини унинг устига ҳайдаб кела бошлаганлигини,



шунда у ерда ётган тош бўлагини олиб, автомашинанинг олд ўнг томон эшиги ойнаси туширилган ҳолатда бўлганлиги сабабли М.Халматовга қарата отганлигини, тош бўлаги М.Халматовнинг бели ва ўриндиқ оралиғига тегиб, ҳайдовчи эшигига урилиб парчаланиб кетганлигини, шунда шу ерда бўлган ЙХХП ходимлари уларни тарқатиб юборишганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бу ҳолат такрорланмаслигини баён қилиб, суддан унга енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Қ.Тойшиев суд мажлисида айбига иқроп бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби Ўзбекистон Республикаси ЖПКни 22, 95, 112-моддаларига мувофиқ текширилган ҳамда баҳоланган қуйидаги далиллар мажмуи билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади:

жумладан, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи М.Халматовнинг қуйидагиларни, яъни Қ.Тойшиев унга таниш эканлигини, 2021 йил Қ.Тойшиев гиёҳванд моддаси билан ушланиб, ушбу гиёҳванд моддасини ундан олганлиги ҳақида кўрсатма берганлиги сабабли у ЖК 273-моддаси билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони ўтаб чиққанлигини, 2024 йил 17 ноябрь куни соат 14:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашинасида Х.Байқаро кўчасидан Қўйлиқ бозорига буриладиган жойда “Диёр Нефт” АЁҚШ олдида машинасидаги йўловчини тушириш учун тўхтаганида, АЁҚШ томонидан Қ.Тойшиев унинг машинаси томонга келаётганлигини кўрганлигини, у машинадан тушиб, у томонга юриб, ўша гиёҳвандлик билан боғлиқ ишни назарда тутиб, “менга қара, нимага унақа қилгансан” деганида, Қ.Тойшиев ҳақорат қилиб, юзининг ўнг томонига бир маротаба мушт туширганлигини ва йўлнинг нариги томонига ўтиб кетганлигини, у юзи қонаётганлиги учун АЁҚШдаги автомашиналарни ювиш шаҳобчасига бориб юзини ювиб, машинасига ўтирганлигини ва “Сувсоз” даҳаси томонга ҳаракатланишни бошлаганида, Қ.Тойшиевни Бектемир туман ҳокимиятига етмасдан йўлнинг ўнг томонида жойлашган бекат ёнида кўриб қолганлигини, шунда у машинасини тўхтатиб, ўнг томон олд ойнасини тушириб, Қ.Тойшиевга гаплашиб олишларини айтиб, машинасининг эшиги очмоқчи бўлганида, Қ.Тойшиев ердан тош олиб, унга қараб отганлигини, шунда тош автомашинасининг олди йўловчи ойнасидан кириб, унинг белига текканлигини, белида қаттиқ оғриқ ҳис қилганлигини, сўнг Қ.Тойшиев машинасининг ҳайдовчи томон ён ойнасини тепиб, синдириб ташлаганлигини, шундан сўнг ўша ерда турган ЙХХБ ходими уларни ажратишганлигини, сўнг у соғлиғини текширтирганида, бели синганлигини билганлигини, унинг даволаниши учун кетган харажатларини судланувчи қоплаб



берганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, жазо тайинлаш масаласини судга ҳавола қилишини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

шунингдек, жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, яъни М.Халматовнинг қонуний чора кўришни сўраб ёзган аризаси, тушунтириш хатлари, суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 5 декабрдаги М.Халматовнинг ўнг ёноқ соҳаси чуқур шилинмаси, 1-2-3-4-бел умуртқаларининг ўнг томонлама кўндаланг ўсиқларининг ёпиқ синишлари, ўнг томонлама бел соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, бу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида етказилганлиги ва ушбу тан жароҳатлари ўзининг оғирлик даражасига кўра “ўртача оғир”ликдаги тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланганлиги тўғрисидаги 1532-сонли хулосаси, Қ.Тойшиев ва М.Халматовлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомаси ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Қ.Тойшиевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” банди билан квалификация қилинишини қуйидагиларга кўра нотўғри деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси 1-қисмига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” бандида қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб баданга ўртача оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида берилган тушунтиришларда, қурол - тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар - касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар) тушунилиши кўрсатилган.



Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Қ.Тойшиев жабрланувчи М.Халматовнинг белига тош отиб, ўртача оғир тан жароҳати етказган бўлиб, юқоридаги қонунда берилган тушунтиришга кўра тош қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар жумласига кирмайди.

Бундан ташқари, айбловда қайд этилган тош бўлаги ашёвий далил тариқасида олинмаган, унинг касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланганлиги, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалганлиги ҳолатига аниқлик киритилмаган.

Юқоридагиларга кўра, суд судланувчи Қ.Тойшиевнинг ҳаракатларида қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти аломатлари мавжуд эмас деган хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “м” бандидан “жабрланувчи М.Халматовнинг баданига ўртача оғир шикаст етказиш” сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмига мувофиқ давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Суд судланувчи Қ.Тойшиевга жазо тайинлашда унинг айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд судланувчи Қ.Тойшиевга жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва ЖКнинг 73-моддасига кўра жазодан шартли озод



қилинган муддат давомида қасддан жиноят содир этганлиги сабабли, ЖК 60-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим топади.

Суд ишнинг фуқаровий даъвога оид қисмини муҳокама қилиб, жабрланувчи М.Халматовнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 28-моддалари, ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тойшиев Қанат Муслим ўғли (TOYSHIYEV QANAT MUSLIM O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Тойшиев Қанат Муслим ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тойшиев Қанат Муслим ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2021 йил 16 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 2 (икки) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо, маҳкумнинг яшаш жойидаги мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилиб, муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган жойда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги туман ИИОФМБ зиммасига юклатилсин.

Қ.Тойшиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи М.Халматовнинг судланувчи Қ.Тойшиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Тошкент шаҳар суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига



шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Д.Дадаханова

Ҳукм нусхаси аслига тўғри, судья:

Ҳужжат имзоланган: Дадаханова Дурдона Абдукахаровна, 10.03.2025

